

«Жаноби Олийларининг фармонига биноан Аму дарёсида ёки маҳаллий номи Амударё аталган дарёда олтин борми-йўқми эканлигини, бўлса канча кўп олиши мумкинлигини аниқлаш менга буюрилган эдиким, шу мақсадда бу ерга келиб, дарёдан кечиб ўтганимиздан кейин ўзим ҳаммасини батафсил кўздан кечириб чиқдим. Мана шу чопарни дарёнинг қуйи ва юқори ўзанига бориб кўриб келсин учун юбордим. Ва ҳамма ерда кумнинг ўзи чиқди. Кум таркибида ўзингиз намунадан кўриб турганингиздек, олтин зарралари бор.

Бу ердан уч соатлик масофа нарида Курама деб аталган яна бир дарё бор. У Самарканд тоғларидан бошланиб, мазкур Амударёга бориб қуйилган, унда қисман олтин зарралари мавжуд. Текшириб кўриш лозим эди, аммо бунинг сирини билмайман.

Жаноби Олийларига шуни етказмоқдаманки, Аму дарёси олтин маъданларидан бошланмайди. Аммо унга қуйиладиган дарёлар ичида Кўкча дарёси айтилиб Бадахшон яқинида чиндан ҳам энг бой конлардан ўтади. Дарё бошланадиган Самарканд тоғларида ҳам олтин маъданлар бор, дейишади. Бошқа маъданлар эса бу ерда, Бухорода чиндан ҳам сероб, булар — мис, аччиктош, кўргошин, жуда яхши темир кабилардир.

Оролнинг бу томонида, Шожалил тоғларида, Хива вилоятларида ҳақиқатан ҳам қумуш конлар мавжуд. Мен аввал тоторлардан эшитганимни асирликдаги кекса ўрмисдан тасдиқлашиб олдим, у менга марҳамат қилиб айтдики, Хиванинг Оронхони замонида (бундан ўттиз йиллар илгари) бир қизилбош хонга келиб айтганки, бундай тоғларда қумуш ва бошқа нарсаларни қўлаб учратиш мумкин. Буларни қўлга киритиш учун хон ходимлар тайин қилиб, дарҳол шундай қумушларни топиб келишга юборган ва булар кўп ҳам заҳмат чекмай, хонга намуна тарзида катта бир тош бўлагини юборишган, уни текшириб кўришганида ярмидан кўпроги қумуш бўлиб чиққан. Буни эшитиб, ўзбекларнинг катталари йигилишиб тўсатдан хон хузурига қирадилар ва бундай қумушни тошдан ажратиб олиб бўлмайди, ҳеч ким бу тўғрида ҳеч нима билмайди, бу нарса сабаб бўлиб, ҳадеганда қўшнилари билан урушиб қолиш мумкин, дейдилар.

Хон ҳам, уруш чиқмасин, деб ўша ондаёқ топилган маъданни илгариги жойига қўшиб ташлашни ва мана шу ишни бажарган қончини ерга тириклайин қўйишни буюради.

Аму дарёси ҳақиқатан ҳам илгари Каспий денгизи томон оққан, аммо ҳаммаси эмас, ярми оққан. Нега сувни орқага буриб, бунчалик каттик тўсиб қўйилганлигининг сабабини ҳеч ким билмайди. Баъзилар айтадики, шу дарё мансабидаги мавзеларда, одамлар яшамай қўйганидан кейин дарё йўли тўсилганмиш. Бошқалар шундай дейишади: Амударё бўйлаб то денгизга қадар мавзелару яхши-яхши шаҳарлар жуда кўп бўлган, буларда эса жуда диёнатсиз кишилар яшаб, шулардан Бухоро каби Хива ҳам кўп азият чеккан. Бунга қарши ҳамма ўзбеклар жамулжам бўлиб, халигиларни енгил учун урушга отланишган. Аммо уларни бирдан енгил бўлмаслигига кўзлари етгач, сувнинг йўлини каттик тўсишни афзал қўришган, ўша халқ сувга ташна бўлиб, қўчиб кетишга мажбур бўлсин ва ўша жойлар хувиллаб қолсин, деб шундай қилишган».

**ШАРК САФАРИНИНГ БУХОРОДА БУЛГАН КОТИБИ ЭЛЧИ ФЛОРИО
БЕНЕВЕНИНИНГ КИСКАЧА ЖУРНАЛИ**

Элчи юкорида эслатилган 1721 йил октябр ойида Бухоро чеккасидаги Чоржўй чегара шаҳарчасига етиб келиб, кейинчалик унга лозим бўлганидек... ўтган ма шу дарёни куйидан юкорнсигача кўриб чиккан вақтда ҳамма ерда олтин зарралари бўлган кумнинг ўзигина топилган ва элчи бу кумдан ўзи билан бирга бир неча намуна олиб, уларни келаси 1722 йил март ойида ўз маълумотномаларига кўшиб, чопари оркали Ташки ишлар коллегиясига юборган. Аммо бу олтин борасида унга, яъни, элчига ҳеч бир жавоб берилмаган. Шунга карамай, элчи бу орада ҳар турли йўллар билан нафакат ўша ерлик бухоролик ва хивалик кишилар оркали, балки савдогар киёфасидаги чопарлар оркали ҳам олтин кидиртирган ва шунга амин бўлганки, ўша Амударёдан ташқари тўртта жойда иккита бошқа дарёча келиб кўшилади (матнда шундай ёзилган) булар минерал тоғлардан оқиб келиб, у ерлардан қисман олтин ва ҳоказоларни ўша Амударёга ташлайди, ўша дарёчаларнинг юкори қисмларида, хусусан, Бадахшонда ва Хисорда ҳамда юкорида тилга олинган жойларда хийла олтин бордир. Шунингдек, олтинли кум Сирдарё ёкаларида, айникса, Сирдарёнинг юкори қисмидан йигирма тўрт соатлик масофа наридаги шаҳар бўлмиш Хўжанд остида анча кўпдир (бу ернинг олтинини мазкур элчи 1723 йил март ойида чопари оркали ушбу Ташки ишлар министрлигига жўнатган). Тоғларнинг ичида қандай минераллар (маъданлар) бор, буни ўша ерлик кишиларнинг ўзлари ҳам билмайдилар, балки сув оқими билан юзага чиқадиганларинигина оладилар, маҳорат ишлатмасалар-да, ҳар ҳолда озмунча маъдан йигмайдилар ва Бухорога сотгани олиб келадилар.

Мазкур Бадахшондаги бир тоғда лаъл ҳосил бўлиб туради. Бўлганда ҳам хийлагина бор. Ва ўша ернинг халқи Бухоро мулкидан (йигирма беш йил муқаддам) ажралиб чиккан халқлар сирасига кириб, ўша ўзларининг ерларига ўзбеклар ва бошқа ҳукмдорларни кўймайдилар, чунки ўша лаъл чиқадиган тоғнинг бошида темир дарбозалар қурилган бўлиб, ёпик туради, Уша ерлик оксоқолларнинг қирқ муҳри билан қулфлаб қўйилган. Худди ўша ерларда қумушранг ложувард тошлардан иборат бутун бошли бир тоғ бор, тошни олиб чиқиб кетиш ман этилган, фақат хуфя равишда олиб кетса бўлади. Олтинни эса савдогарлар молга айирбошлайдилар ва олтинни четга чиқаришлари мумкин. Насроний савдогарлар эса бундай қилолмайдилар, фақат мусулмон киёфасига кириб олиб шундай қилишлари мумкин.

Шунингдек, Шохжалил тоғларида, Амударё мансабларида, Хива мулки бўлган ороллардан иборат Оролнинг юкори қисмида ҳам қумуш ва олтинга бой маъданлар мавжуд, ўша жойдан нарида фидуза тош ҳосил бўлади.

Лекин Хива олимаком идораси ўша жойларга бориб, ўшандай қумуш ва олтинларни излаш у ёқда турсин, ҳатто ўша жойларни тилга олишни ҳам қатъий иақиқлаган, токи хорижий ҳокимлар, айникса Россия давлати хабардор бўлиб қилишдан ҳавфсираб шундай қилинган. Бу ҳақда элчи илгари ҳам ўз маълумотномаларида хабар берган. Мазкур Амударё Хивадан бир қурилиш масофа нарида Орол денгизига оқиб тушади, қадим замонларда эса (элчи ўша ерлик кишилардан билиб олганидек) Каспий денгизига (икки юз қирқ йил муқаддам) қўшилган экан ва элчи Эски Урганж деб аталмиш қаттақон бир бўм-бўш шаҳардаги тошдан қурилган масжидда шу ҳақдаги ёзувни кўрган. Мазкур шаҳар ўша пайтда шу Амударёнинг бўйида ўринлашган бўлиб, дарё Орол денгизи томон йўл солгач, ушбу шаҳар ҳам қимсасиз қолган, бунда ўша суван қойдаланган ён-атрофдаги мавзелару қишлоқлар ҳам шундай аҳволга тушган.

Беш йил бурун шу Амударё Каспий денгизига олнб борадиган эски окимига йўл топиб ока бошлаган ва (мазкур элчи хабардор булгандек) уч ёки тўрт кунлик масофага кадар чўл томон оккан ҳамда ўша илгариги окиб келгаи жойида (ёки Амударё деб аталмиш дарё сувини озайтирнш максатида казилгап каналда) тўхтаб, ундан нарига ўтмаган. Ва элчи мазкур бўм-бўш шаҳар Эски Урганж якинида, Хивадан келаётгапида Амударёни кесиб ўтган, ўша жойида сувнинг чуқурлиги икки аршин бўлган ва элчи намуна сифатида у ердан ҳам ўзн билан бирга кумни олиб кетган, афтидан, мазкур элчи номидан Бухородан юборилган олтин заррали кумга ўхшармиш.

Мазкур олтин ёхуд кумушни олиш масаласига келганда, элчи шуни ҳам хабар киладики, агар шу максатда кучли бир хужум килиб, калъа қурилеса эди, юкорида кўрсатилган барча ерлардан етарли микдорда олтин-кумуш олиш мумкин бўлурди. Лекин шу ишга киришилганда ҳам ичкарирок жойларга бир-йўла ўтиб бориш мушкуллик тугдирган тақдирда ишни бир чеккадан бошлаш зарур, яъни:

- 1) аввалига осонлик билан Хивани кўлга киритиш мумкин, бунда ўша ерда бўлган кеназ Черкасский кўллаган усул ва услублардан бошка усул-услубларни кўллаш лозим;
- 2) гарчи бухороликларга, шубхасиз, зид бўлса-да, аммо улар шу Хивада Амударё бўйлаб иккита калъа қулай жойларда қурилган тақдирда зўр қаршилиқ кўрсата олмаган бўлур эдилар. Аввало, хивалик ўзбекларни хайдаб юбориш, фақат табаа дехконларга тегмаслик керак, буларнинг кўпчилиқ қисми асир тушган кизилбошлардан иборат бўлиб, ўзбекларга қарам бўлгандан кўра, Россияга қарам бўлишдан кўпроқ мамнун бўлурдилар: бунда-ўша жойларда ўзбеклар ўрнига қорақалпоқларни кўчириб келтириш учун қорақалпоқларни кўндириш ва хомийлик остига олиш мумкин, булар шундай қулай жойларда ва Россия хомийлиги остида қора қалмиқлар ва бошқалардан хавфсирамай жон-жон деб яшашни истаб қоладилар: ундан ташқари, ўша қорақалпоқлар бир замонлар Орол денгизи якинидаги Хива қвилоятларида яшаганлар ва кўчиб юрганлар, кейин эса шу Орол денгизи атрофида кўчиб юришга ҳамда оролликлардан икки кунлик масофа нарида Сирдарё мансабида жойлашишга мажбур бўлганлар. Бу ерда улар эркин-эмин яшаб, ер хайдаб, бугдой экадилар, сув хавзалари шароити ҳақида маълумотномалари бўлиб, балиқ овлаш билан қифояланадилар. Беқарор қазаклар ўрдаси эса бундай қилмайди, у нон нималигини ҳам қилмайди;
- 3) шу Амударёни тўсиб, унинг эски каналлари ва оқими орқали (у ҳозирда ҳам, қамаси, ўзининг тик қирғоқларига қармай, мавжуддир) ўтказиш зарур, ўшанда шу Амударё бутунлай ўз оқими бўйлаб оқиб, аввало, Каспий денгизига қўшилганда эди, Россия қамалари Астрахандан осонгина нақ Хивага эга қилмок ҳамда унда муштақамланмок у ёқда турсин, балки кейинрок бошка жойларни ҳам Россия қўл остига қиритмок имқони тугиларди;
- 4) Хивани эгаллаш учун 1000 қишилиқ мунтазам ва 2000 қишилиқ номунтазам қўшиндан бошқаси қерак бўлмайди, саллотларнинг ҳаммасини, шунингдек, қазакларни ҳам туяларга ўтказилса, дуруст бўларди, эҳтиёж тугиладиган жойларга қадар араваларга 1000 салт от бўлса яхши, қолган отларни бу ерда истаганча топиш мумкин. Юришда қалмиқлардан етарлича бўлса, соз бўларди;
- 5) юришни қазакларнинг Ёйиқ шаҳарчасида бошламаслик лозим бўлади (қеназ Черкасский эҳтиётсизлик билан боргани қабил), чунки бу қатта йўл сувсиз, унда ўт ҳам ўсмайди.

Юришни бошқирдлар еридан бошланса, бу ердан ўн қун ичида Орол денгизига етиб борилади, яна ўзлари билан бирга туяларда тахланмаган қайиқларни тайёрлаб, ортиб

боришлари керак, булар шу денгизнинг ўзида тахланса, сувда сузиб, нақ Орол денгизидаги ороллар ёкалаб бориш ва уларга хужум қилиш мумкин бўлади (ўша ердаги ўзбеклар Амударё орқали сузиб бориб, Хива мудофаасига ўтиб олмаслиги учун шундай қилиш зарур) ва айна вақтда Хивани қуруқликдан туриб қўққисдан ўққа тутиш мумкин. Мазкур элчи ишонтирадики, хиваликлар рус қўшини бостириб келаетганлигини эшитишлари биланок, ҳаммалари гоётада қўрққан холда тумтаракай бўлиб кетадилар, чунки Россия мамлакати қасос олишини ҳар қуни қутиб ётадилар ва элчи ўша ерлик кишилардан ўз қулоғи билан эшитганки, агар хиваликлар алдов йўли билан кеназ Черкасскийни қўлга олиб, ўлдирмаганларида эди, бугун Хива Россия табаалигига ўтказилган бўлурди. Шу Хивани эгаллаш ва ўз қўлида тутиб туриш у учун ҳам, Россия қўшини учун ҳам энг яхши йўл (элчи етказиши бўйича) ва энг фойдалиси—юқорида тилга олинган қорақалпоқларни (улар-ороллари яқинида, Орол денгизига бориб қўшиладиган Сирдарё мансабининг Сибирия томонида қўчиб юрадилар) Россия ўз хомиилигига олиши ҳамда Хивага қўчириб олиб боришидан иборатдир, булар ҳам мазкур ишдан гоёта мамнун бўладилар, сабаби—ўзбекларнинг ҳам, туркманларнинг ҳам ашаддий душманларидирлар. Шунингдек, Хивани эгалламай туриб, мана шу қорақалпоқлар қўчиб юрадиган ерларга ўтиб бориб, улар ёрдамида қалъа қуриш ҳам мумкинки, бу жойдан туриб, ҳамма вақт турли хил ишларни олдиндан бажариш имкони тугилади...»